



ҲУҚУҚИЙ ОНГ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ

Д.Т.Норқулов

Турон фанлар академияси академиги, Тошкент тиббиёт
академияси профессори, фалсафа фанлари доктори.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7710432>

ARTICLE INFO

Received: 27th February 2023

Accepted: 08th March 2023

Online: 09th March 2023

KEY WORDS

Ҳуқуқий онг, жамият,
фуқаролик жамияти,
маънавий янгиланиш,
демократия.

ABSTRACT

*Мазкур мақолада Ўзбекистон жамиятининг
маънавий янгиланишида ҳуқуқий онг роли, жамият
маънавий ҳаётидаги ислохотлар, ҳуқуқий онгдаги
ўзгаришлар масалалари тадқиқ этилган.*

Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йўли жамиятни тубдан маънавий янгиланишини тақозо қилмоқда. Жамиятни маънавий янгиланмасдан туриб, янги, демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришни амалга ошириб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон жамиятининг маънавий янгиланишида ҳуқуқий онг роли каттадир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев ўзининг “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Бугунги мураккаб замонда ёшларни жисмоний ва маънавий баркамол инсонлар этиб тарбиялаш биз учун ғоят муҳим вазифа бўлиб қолмоқда” [1. 254-бет.]. Шунинг учун ҳозирги кунда жамиятнинг, ёшларнинг маънавий ҳаёти ва ҳуқуқий онги янгиланиши масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда ва бу масалага янгича назарий методологик фалсафий концепция асосида ёндашилмоқда. Бу жамиятнинг маънавий янгиланиши, унинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқилиши, янги қонунлар орқали ифодалаб, белгилаб беришни тақозо этади. Ўзбекистон жамияти маънавий ҳаёти янгиланишининг ўзига ҳос жиҳатларидан бири-маънавий тикланиш орқали амалга ошириши билан боғлиқ.

Мустақиллик фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда, маънавий тикланишни кафолатлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўтган йиллар давомида маънавий тикланиш ва янгиланиш борасида муҳим ютуқларга эришилди. Бугун фуқаролар мустақиллик уларга ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш, ўзлигини англаш ҳуқуқини берганлигини чуқур идрок этмоқда.

Республикаимиз Президенти Ш.Мирзиёев аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини



қарор топтириш - демократик ҳуқуқий давлат қурилишининг гаровидир!" [2.] деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш масаласини асосий вазифа этиб белгилаб берди.

Жамият маънавий ҳаётининг янгилиниши қонуний асосларида ҳуқуқий онгни ўзбек миллатининг турмуш тарзи, анъанавий маданияти, миллий дунёқараши ва мафкураси орқали кечиши муҳим ўрин тутди. Жамиятда ҳуқуқий онгни қарор топтиришда ва юксалтиришда миллий ва маънавий, диний-ахлоқий, ҳуқуқий ва тарихий мерос, мафкурамизнинг ғоявий негизларига таянмоқ керак. Ҳуқуқий онг, кенг қамровли дунёқарашнинг юксак маънавиятини шакллантириш ва тарбиялаш омилидир. У бир томонлама қарашларни умумий мақсад йўлида яқинлаштиради ва бирлаштиради. Янги мафкура миллий онгни, ҳуқуқий ва сиёсий маданият билан қўшишда муҳим ўрин эгаллайди. Чунки миллий мафкура кишиларни онги, тафаккури, қараш ва тушунчалари, эътиқоди, дунёқараш ва билим даражаси турлича эканлигини эътиборга олади, юксак шахс маънавиятини тақоза этади. Жамият маънавий янгилинишининг ҳозирги босқичи ҳуқуқий онгни мустаҳкамлаш шарт-шароитлари ва омилларида жамият маънавиятини юксалтириш, мамлакатнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятда эркин фуқаро, озод шахс ва миллий ўзига хослик ҳамда умуминсоний қадриятлар уйғунлигини миллий ва халқаро қонунчилик асосида таъминлашда муҳим ўрин тутди. Чунки жамиятни маънавий юксалтиришни ёки маданиятга асосланган жамиятни барпо этиш ҳуқуқий онгни мустаҳкамлаш орқали ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдаган, таниган, ўз куч ва қадриятига таяниб яшайдиган эркин фуқаро, озод шахснинг фаолиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Эркин фуқаро маънавиятини, озод шахсни шакллантириш масаласи унинг муҳим жиҳатидир. Шунинг учун аҳолининг ҳуқуқий онгини умумбашарий қадриятларга асосланган ўзбек халқи, миллий қадриятлари Марказий Осиё мутафаккирлари қарашларига асосланади. Ислом динининг Қуръон, Хадислар, шунингдек, Форобий, Беруний, Ибн Сино, А.Навоий, Бобур, Нақшбанд, А.Яссавий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Марғиноний ва бошқа алломалар асарларида илгари сурилган фалсафий, ҳуқуқий ғояларни инсонпарварлик, ҳалоллик, поклик, миллатни севиш, Ватан билан ғурурланиш, меҳнатсеварлик, хурфидрилик каби ғояларни кишилар онгига сингдиришга ҳаракат қилади.

Фуқаро шахс эркинлигини ҳуқуқий кафолатлашнинг ўзи ҳам унинг амалда эркин фуқаро ёки озод шахс эканлигини тўла англаб етганлигини англатмайди. Унинг амалга ошиши кўпгина омиллар билан боғлиқ. Булар 1) фуқаро ва шахс томонидан эркинликлари, озодликни тўла англаб етиши; 2) фуқаро ва шахснинг маънавий даражаси, ички маънавий даражаси; 3) ўз ҳақ-ҳуқуқларини билиши ва чуқур англаши; 4) ўз кучи ва имкониятига таяниши, ўзига ишониши; 5) воқеа ва ҳодисаларга муносабатда ўз фикр ва қарашига эгаллиги, мустақил ёндашиши; 6) ўз манфаатларини жамият манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш; 7) Ҳар жиҳатдан баркамол, комил инсон бўлишдир [3. 13-бет]. Буларни жамият маънавий янгилинишининг ҳозирги босқичида ҳуқуқий онгни янада мустаҳкамлашда муҳим омиллар сифатида қўллаш мумкин. Озод шахс ва эркин фуқаронинг шаклланиши ҳуқуқий онгни амалда мустаҳкамлашни таъминлайди.



Ҳуқуқий онг шаклланиши ва ривожланишини ўзига ҳос хусусиятларидан бири объективлик ва субъективлик хусусиятига эгалигидир. Бунинг маъноси шундаки, ҳуқуқий онгнинг шаклланиши, бир томондан, шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда рўй берса, иккинчи томондан, у ҳар бир шахснинг эркинлиги, хатти-ҳаракатлари, интилишлари ҳамда фаолиятининг натажасига боғлиқ бўлади. Ҳуқуқий онг юксалиши, объективлигининг моҳияти кишиларнинг ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши билан белгиланади. Аҳолининг ҳуқуқий муносабатларда ва ўзгаришларда қандай иштирок этиши ёки уларга қандай муносабат билдиришидан қатъий назар бу жараён объектив ҳодиса тарзида рўй беради. Ҳуқуқий онгнинг шаклланиши ва ривожланиши, объектив жараён бўлиши билан бирга, у субъектив фаолиятнинг ҳам натижаси ҳисобланади.

Жамият ривожланар экан, қабул қилинган қонунлар, фармонлар ўз кучини йўқотиб, янгилари ишлаб чиқилиши, тўлдирилиши, айримлари муомаладан чиқиб қолиши мумкин. Бу жараён сифатида кишилар онгига аста-секинлик билан таъсир эта боради. Аҳоли ҳуқуқий онгининг шаклланишига ва ривожланишига ҳос бўлган аста-секинлик хусусияти унинг ўзоқ йиллар давомида ўсиб, ривожланиб, мустаҳкамланиб боришини ифода этади.

Жамият ҳаётини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий тасаввурларнинг янгиланиб бориш жараёни ҳуқуқий онгнинг ўзгариб, янгиланиб боришини ифода этади. Ҳуқуқий онгнинг яна бир муҳим хусусияти унинг умумийлигидадир. Ҳуқуқий онгнинг ҳар бир белгиси кишиларда жамиятнинг аъзоси сифатида алоҳида-алоҳида кўринишда намоён бўлмаслигининг ўзи ҳам жамият ҳуқуқий онгининг мустаҳкамланишидаги умумийлик хусусиятининг моҳиятини акс эттиради.

“Бутун дунёда кучайиб бораётган радикализм, экстремизм, терроризм, одам савдоси, гиёҳвандлик каби хатарлар, афсуски, бизни ҳам четлаб ўтмаяпти” [4.]. Буни олдини олиш учун жамиятда инсонларнинг ҳуқуқий онги юқори даражада бўлишини, ҳуқуқий жараёнлар ва ҳуқуқий муносабатларда фаол иштирокини, ҳуқуқий саводхонлигини, қонунга итоаткорлигини, ҳурматини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ҳуқуқий онги юқори бўлган кишилар қонунни ҳурмат қилади, уларни қонун ҳимоя қилишини билади. Ҳар бир қабул қилинган қонуннинг моҳиятини ўрганиб чиқиб, унга итоат этади. Инсонга олий қадрият сифатида қарайди, жамият ҳаётида фаол иштирок этади, ҳуқуқбузарликларга нисбатан мурасасизлик туйғусига эга бўлади. Ҳуқуқий онгнинг ривожланиши аввало, қонунлардаги ўзгаришлар, уларнинг шахс эркинлиги, манфаатлари устуворлиги ҳамда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ўзаро уйғунлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, ҳуқуқий онгнинг ривожланиши демократик қадриятларнинг мустаҳкамланишига ҳамда жамиятни маънавий янгиланиши билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга ижобий таъсир кўрсатади. Ҳуқуқий онгнинг ўзгариши жамият ҳаётининг барча қатламларида фаолият олиб бораётган ҳар бир кишига - талаба, фуқаро, тадбиркор, фермер, ўқитувчи ёки мураббий, раҳбар ёки ходимга тааллуқли бўлиб, жамиятнинг маънавий янгиланишида уларнинг ўзига хос ўрни ва таъсири борлиги билан боғлиқ. Амалий ҳаётда қонун устуворлиги таъминланиб бориши ҳуқуқий онгнинг ошишига олиб келса, фуқаролар амалий ҳаётларидан қонунда кўзда тутилган тартиб ва



қоидаларга зид ҳолатларга дуч келса, бу ҳуқуқий онгга салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам амалда қонунга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига зид бўлган айрим салбий ҳолатларга барҳам бериши лозим. Бунинг учун мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуришда жамиятнинг маънавий янгиланиб бориши билан боғлиқ ишларни янада атрофлича амалга ошириш лозим.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади” [5. 12-бет] деб таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг маънавий янгиланиш ҳуқуқий онгни янада юксалтиришни тақозо этади. Ҳуқуқий онг - фуқароларда ҳуқуқий билим ва маданиятнинг юксалиб бориши, жамият ҳаёти маънавий янгиланиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар, давлат ва жамият ҳаётининг қонуний асосларини такомиллашиши ва ривожланишининг муҳим омилдир.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши ва ҳуқуқий онгнинг юксалиб бориши узлуксиз жараён бўлиб, тадрижий равишда ҳар бир янгиликни ҳис этиши, унинг ҳуқуқий асосларини ўз вақтида тўлдириб боришни қонуний жиҳатдан такомиллаштиришни тақозо этади.

References:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. 254-бет.
1. 2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” 2019 йил 9 январь Фармони // Халқ сўзи. 2019 йил 20 январь.
2. Эргашев И. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Тошкент: Академия, 2002. 13-бет.
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2022 йило 21 декабрь.
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: TASVIR, 2020. 12-бет.
5. Норқулов Д.Т. Ҳуқуқий онг жамият маънавиятини ривожлантириш омили. Соҳибқурон юлдузи, 2021. - 150-154 б.
6. Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro'z, 2015.
7. Умарова Ф., Норқулов С. Модернизация ва ўзбек этнофаққуридаги янгиланишлар. – Тошкент: Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi, 2021.